

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.
2013 йил «27» май**

**“Молия” таълим йўналиши
МК-109 гуруҳ талабаси Райимов Улуғбекнинг**

**«Миллий бозорни ривожлантиришда акциз солиғини таъсирини
кучайтириш йўллари (СамВДСБ маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: проф. Зайналов Ж.Р.

**Илмий маслаҳатчи: Бозоров О. –
СамВДСБ бўлим бошлиғи**

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Акциз солиғини иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти	
1.1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти.....	8
1.2. Товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда акциз солиғининг аҳамияти.....	13
1.3. Солиқ тўловчилардан акциз солиғини ундиришни ҳуқуқий асослари.....	16
II Боб. Акциз солиғи тўловчилар, солиқ объекти ва базасини амалда ташкил этилишини ҳолати (СамВДСБ мисолида)	
2.1. Амалда солиқ тўловчилари, улардан акциз солиғини ундириш тартиби.....	22
2.2. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблашда солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари.....	26
2.3. Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва акциз маркаларини қўллаш тартиби.....	31
III Боб. Иқтисодиётни ривожлантиришда акциз солиғини таъсирини кучайтириш йўллари	
3.1. Акциз солиғини белгилашда хорижий давлатлар тажрибаси ва ундан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда фойдаланишнинг айрим жиҳатлари.....	39
3.2. Акциз солиғини бозор иқтисодиётини ривожлантиришига имконият яратиб беришдаги таъсирини кучайтириш тенденциялари.....	42
3.3. Акциз солиғини давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтириш йўллари.....	48
IV БОБ. СамВДСБда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	53
4.2. СамВДСБ ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	55
4.3. СамВДСБ ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	58
4.4. СамВДСБда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	63
Хулоса.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70

Кириш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини салбий оқибатларини бартараф этиш шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни манзилли қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалиётда фойдаланишда, бир томондан, ички бозорни ҳимоялашдаги давлат манфаатларини ва, иккинчи томондан, акцизоти маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қиладиган, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қиладиган солиқ тизими яратилиши муҳимдир. Шу боис амалга оширилаётган иқтисодий чора-тадбирларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан акциз солиғини таъсирини кучайтириш муҳим эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, хусусан, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайитириш ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши»¹ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётганлигини таъкидлаб ўтган. Солиқ сиёсатининг такомиллаштирилишида акциз солиғидан самарали фойдаланиш ва унинг миллий бозорни ҳимоялашдаги ролини кучайтириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо ҳисобланади.

Битирув малакавий иши мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Солиқларга оид илк назарий қарашлар иқтисодчи олимлардан Т.Гоббс, А.Смит, Д. Рикардо, У.Петти, Н.Тургенев, Д.Юм, М.Лоренц, Р.Кэмпбелл, К.Макконнел, Г.Мэнкью, А.Лаффер, В.Твердохлебов, С.Фишер, А.Вознесенский, В.Глухов, Э.Тейт, А.Шенк, Л.Гончаренко, Е.Евстигнеев, А.Исаев, М.Кулишер, В.Пансков, А.Погорлецкий, А.Соколов, С.Сутырин,

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.—Т.: Ўзбекистон, 2009.—24 б.

Д.Тихонов, Д.Черник, Т.Юткинларнинг илмий асарларида тадқиқ этилган². Ўзбекистонда солиқ соҳасидаги илмларни ривожлантиришда Қ.Яҳёев, Т.Маликов, М.Альмардонов, Ж.Зайналов, А.Жўраев, Э.Гадоев, О.Олимжонов, Н.Ҳайдаров, О.Абдурахмонов, Ш.Гатаулин, А.Абдуқодиров Ш.Тошматов, Б.Ташмурадовларнинг илмий ишлари муҳим ўрин тутди³. Шу билан бирга, солиққа тортиш соҳасида номзодлик ишлари олиб борган олимлардан Қ.Бозоров, Б.Тошмуродова, Б.Умаров, О.Якуббоев, И.Юлдашев, У.Раджабов, Р.Қурбонов, М.Эшоновларнинг тадқиқотларида айрим солиқ турлари ва солиқ солишни такомиллаштириш йўналишлари тадқиқ этилган⁴. И.Жалолов

² Петти У. Трактат о налогах и сборах. Verbum sapienti — слово мудрым. Разное о деньгах. — М.: Ось-89, 1997. — 346 с.; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. Москва. 1962 г. — 408 с.; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. — М.: Государственное издательство политической литературы, 1955. — 360 с.; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. — М.: Гелиос АРВ, 1999. — 352 с.; Самуэльсон Пол А., Нордхаус Вильям Д. Экономика: Пер. с англ. — М.: Бином, 1999. — 800 с.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. — М.: Инфра-М, 2006. — 940 с.; Менкью Н.Г. Принципы экономикс. — СПб: Питер Ком, 1999. — 784 с.; Пансков В., Князев В. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. — М.: МЦФЭР, 2003. — 336 с.; Соколов А. Теория налогов. — М.: ООО «ЮрИнфоР-Пресс», 2003. — 506 с.; Сутырин С., Погорлецкий А. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике. СПб.: Изд-во В.А.Михайлова, 1998. — 577 с.; Тихонов Д., Липник Л. Налоговое планирование и минимизация налоговых рисков. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. — 253 с.; Черник Д. Введение в экономико-математические модели налогообложения. — М.: Финансы и статистика, 2000. — 268 с.

³ Гадоев Э. ва бошқ. Солиққа оид хатолар. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1996. — 128 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. — Т.: Fan va texnologiya, 2008. — 204 б. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. — Т.: Fan va texnologiyalar, 2003. — 247 б.; Ҳайдаров Н., Маликов Т. Молия. — Т.: 2012.; Алимардонов М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири. Монография. — Т.: ТМИ, 2003. — 233 б.; Зайналов Ж. Солиқлар ва солиққа тортиш. — Самарқанд: СамКИ, 2002; Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. — Т.: Фан, 2004. — 243 б.; Абдурахманов О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. — М.: Палеотин, 2005. — 376 с.; Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. — Т.: Янги аср авлоди, 2002. — 128 б.

⁴ Базаров К.Т. Механизм налогообложения прибыли предприятий: проблемы и пути их решения. Автореф. Дисс. на соискание ученой степени к.э.н. — Т.: 1998. — 20 с.; Камилов М.М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш йўллари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореф. — Т.: 2007. — 22 б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореф. — Т.: 2002. — 22 б.; Эшонов М.-А.Х. Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) ва мол-мулк солиқларини такомиллаштириш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. — Т.: 2006. — 22 б.; Якуббоев О.О. Налоговый механизм и его

тамонидан ҳам танланган мавзуга алоқадор бўлган билвосита солиқларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқот иши амалга оширилган⁵. Биз томонимиздан танланган мавзу, акциз солиғининг алоҳида объект сифатида, импорт қилинадиган товарларга нисбатан акциз солиғи ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилиши, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида акциз солиғи миллий бозорни ҳимоялашда муҳим молиявий дастак бўлиб хизмат қилаётгани, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида ушбу солиқни ҳисоблаш ва ундириш механизмида туб ўзгаришлар юз бергани, биз танлаган муаммоларнинг долзарблиги ва иқтисодий адабиётда чуқур ўрганилмаганлиги тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлади.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши СамИСИда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш босқичида миллий бозорни ҳимоялашда акциз солиғини ҳисоблаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- акциз солиғининг иқтисодий моҳиятини тадқиқ этиш;
- ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда акциз солиғининг аҳамиятини ёритиш;
- акциз солиғининг бюджет даромадлари таркибидаги ўрни;
- корхоналарни қўллаб-қувватлашда акциз солиғининг таъсирини аниқлаш;
- акциз солиғи товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига таъсирини таҳлил этиш;

совершенствование: Автореф. Дисс. на соискание ученой степени к.э.н. –Т.: 1997.–18 с.; Курбонов Р.Б. Тижорат банклари даромади (фойдаси)ни солиққа тортиш масалалари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс.автореф. – Т.: 1998. -20 б.

⁵ Жалолов И.Э. Совершенствование косвенного налогообложения: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. –Т.: 2001.–22 с.

– акциз солиғи бўйича хориж тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда ижодий қўллаш имкониятларини ёритиш;

– импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаш ва ундиришдаги муаммоларни аниқлаш ва бу борада илмий таклифларни бериш;

– акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни бериш.

Илмий ишнинг объекти. Юридик ва жисмоний шахсларда акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизми.

Илмий ишнинг предмети акциз солиғидан миллий бозорни ҳимоялашда фойдаланиш жараёнида давлат бюджети билан солиқ тўловчилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Илмий-тадқиқот жараёнида кузатиш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш усулларида фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– акциз солиғининг иқтисодий моҳияти ёритилди;

– қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи солинадиган базани ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш орқали солиқ қонунчилиги ҳужжатларини мувофиқлаштириш зарурлиги ёритилди;

– товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда акциз солиғи бўйича чегирмалар бериш механизмини оптималлаштириш зарурлиги илмий асосланди;

– импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи ставкаларини табақалаштириш зарурлиги ёритилди.

Илмий янгилиги:

– акциз солиғи бўйича солиқ даврини бошқа солиқлар бўйича солиқ даврига мувофиқлаштириш ва акциз солиғининг ҳисоботларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган;

– акциз солиғини тўлаш муддатларининг мувофиқлаштирилиши зарурлиги асосланган;

– акциз солиғини ҳисоблашда, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги ёритилган;

– мамлакатимизга импорт қилинадиган товарлардан акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган;

– ялпи ички маҳсулотдаги бюджет даромадлари улушининг ўзгариши тенденцияси асосида акциз солиғи тушумларининг прогнози ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижасида олинган таклиф ва тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштиришда ва бюджет параметрларини белгилашда фойдаланиш мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Молия ва солиқлар” ва “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси (30.04.2013 йилдаги 6/1-86-сонли далолатномаси) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркибий жиҳатдан кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий иши матни 73 та саҳифадан иборат бўлиб, унда 5 та жадвал ва 5 та диаграмма келтирилган.

I БОБ. АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

1.1. Акциз солиғининг иқтисодий моҳияти

Билвосита солиққа тортиш тизимини, шу жумладан, акциз солиғини ҳисоблаш механизмининг такомиллаштириш масалалари бугунги кунда долзарблиги билан аҳамиятлидир. 1992 йилдан, Республикада акциз солиғи илк жорий қилингандан бери, доимий равишда уни ундиришнинг мақсадлилиги, миқдори, товарлар импортида, шу жумладан, МДҲ давлатларидан, солиқни ҳисоблаш ва ундириш тартиби бўйича баҳсли мунозаралар олиб борилмоқда.

Шу сабабли, республикада акциз солиғини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳамда шу аснода баҳсли масалалар ечимини ишлаб чиқиш бевосита солиққа тортиш ва солиқ маъмурчилигининг назарий омиллари ҳамда жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва таҳлил этиш нуқтаи-назаридан олиб қаралгандагина мақсадга мувофиқдир.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда акциз солиғи 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда оборот солиғи ва сотувдан олинadиган солиқлар ўрнига жорий қилинган. Унинг қўшилган қиймат солиғидан фарқли томони шундаки, у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларга нисбатан қўлланилади.

Акциз солиғи қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ва нархда ҳисобга олинadиган юклаб жўнатилган товарлар қийматининг бир қисмининг эгри солиқ сифатида бюджетга ундириш шакли ҳисобланади. Акциз солиғи Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди, жумладан, давлат бюджетининг солиқли даромадлари таркибида 2000 йилда 22,8 фоизни, 2001 йилда 26,3 фоизни, 2002 йилда 28,8 фоизни, 2003 йилда

31,1 фоизни ташкил этгани ҳолда 2006 йилги далаат бюджети даромадларида унинг улуши 19 фоизни, 2008 йилда 16,5 фоизни, 2013 йилда эса 15,7 фоизни ташкил этиши прогнозлаштирилган.

Акциз солиғини давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг пасайиш тенденцияга эга эканлиги шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон “Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларини ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорига асосан “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамиятининг ишлаб чиқараётган автомобиллари (Ласетти, Нексия, Дамас, Матиз), биллурдан қилинган маҳсулотлар, мебель, видео ва аудиоаппаратура ҳамда кумушдан ясалган пичоқ ва санчқиларга ҳисобланган акциз солиқлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол товарларининг ассортиментини кўпайтириш ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш учун корхоналарнинг ўз ихтиёрларида қолдириладиган бўлди. Шунинг ҳисобига ҳозирги вақтда акциз солиғининг улуши давлат бюджети даромадлари таркибида кам салмоқни эгалламоқда. Акциз солиғи тўлиқ республика бюджетининг даромадлар қисмига келиб тушади ва унинг солиқ юки истеъмолчилар зиммасида бўлади.

“Акциз” термини, қатор тадқиқотчилар фикрича, голландча *exijs* (қадим французча *accise*) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “солиқ солиш мақсадида баҳолаш” деган маънони англатади. Бундан ташқари, куйидагича мулоҳаза ҳам мавжуддир, яъни “акциз” сўзи лотинча *accidere* (кесиб олмоқ, кесмоқ) сўзидан олинган бўлиб, маъноси солиққа тортиш мақсадида идишда мавжуд бўлган ичимлик миқдорини ўлчашда фойдаланиладиган махсус чўпдаги кертма белгини англатган.

Солиқлар тизимида акциз солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан, барча солиқлар сингари, бюджет даромадларини шакллантиришнинг доимий манбаларидан бири бўлса-да, бошқа солиқлардан тубдан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар ҳар бир мамлакатнинг ички бозорини

ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялашда яққол намоён бўлади.

Солиқларнинг функциялари хусусида иқтисодий адабиётларда турлича қарашлар мавжуд. Хусусан бир қатор олимлар (И.В. Горский) солиқларнинг фақат фискал функциясини эътироф этадилар ҳамда ушбу функциягина асрлар давомида ўз ҳолича сақланиб қолганлиги ва мазкур функция мавжуд бўлганлиги учун дастлабки даврларда солиқларга ва умуман солиқ тизимига асос солинганлигини таъкидлайдилар. Ушбу қарашлар классик иқтисодий назария илмий мактабига ҳам хосдир. Бир гуруҳ олимлар (Д.Г. Черник, Г.Б. Поляк, А.Н. Романов) солиқларнинг фискал функцияси билан бир қаторда, тартибга солиш функциясини ҳам эътироф этадилар. Бу икки функция ривожланган бозор муносабатларига хос бўлиб, солиқларнинг фискал функциясидан тартибга солиш функциясини ажратиб бўлмайди ва, шу билан бирга, икки функцияни амалга оширишда уларда ўзаро қарама-қаршилик ва зиддиятлар мавжуд бўлиши таъкидлаб ўтилади. Учинчи гуруҳ олимлари (А.В. Брызгалин, В.Г. Пансков, Т.С.Маликов, Б.Э.Ташмурадова) солиқларнинг кўп функциялилигини эътироф этган ҳолда, уларнинг юқоридаги иккита функциясидан ташқари назорат, рағбатлантириш ва тақсимлаш функцияларини ҳам киритадилар. Айрим иқтисодчилар (Қ.А.Яҳёев) солиқларга ахборот функцияси ҳам хос деган қарашни илгари сурадилар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари солиқларнинг функцияларини турлича талқин қиладилар. Чунончи, М. Шарифхўжаев ва А. Ўлмасовлар солиқлар функциялари тўғрисида қуйидагича фикр билдиришган: "Солиқлар уч хил функцияни бажаради: фискал, яъни давлат бюджетига муҳим равишда пул тушириб туриш; хўжалик фаолиятини рағбатлантириш; аҳоли айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш"⁶.

Қ.А. Яҳёев солиқларнинг функциялари тўғрисида тўхталиб, солиқларнинг биринчи ва асосий функцияси - фискал (тақсимлаш) функциясидан иборат деб таъкидлайди. Бу функция орқали бюджет

⁶ А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев "Иқтисодиёт назарияси" Т. Меҳнат 1997 й. 337-бет.

харажатларини молиявий ресурслар билан таъминлаш амалга оширилади⁷. Т.С.Маликовнинг фикрига кўра, “солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради: тақсимлаш, назорат, тартибга солиш”⁸.

Фикримизча, солиқларга кўп функциялилик хос бўлиб, уларнинг асосан фискал, назорат, тақсимлаш ва тартибга солиш функцияларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мамлакатда солиқларни тартибга солишда уларнинг айрим устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида рағбатлантириш функциясидан, бошқа бир устувор бўлмаган йўналишларни чеклаш мақсадида эса чекловлардан фойдаланилади. Солиқларнинг рағбатлантириш ва чеклов функцияларини умумлаштириб уларни, тартибга солиш функцияси сифатида бирлаштириш мумкин.

Умуман, акциз солиғи барча солиқларга хос бўлган функцияларни бажариш билан бирга, алоҳида хусусиятларга ҳам эга бўлиб, мазкур хусусиятлар маълум маънода акциз солиғининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Кўпчилик солиқлар сингари, акциз солиғи иккита асосий функцияни бажаради, бу фискал ва тартибга солувчи функциялардир. Фикримизча, солиқларнинг юқорида эътироф этилган тўртта функциясидан фақат иккитасигина акциз солиғида тўлиқ, кенгроқ намоён бўлади. Чунки акциз солиғининг тақсимлаш функцияси ишлаб чиқарувчига сезиларли таъсир кўрсатмайди, чунки бу солиқ бевосита даромадлардан ундирилмасдан, истеъмолдан ундирилади ва даромадларни тақсимлашдаги иштироки юқори даражада эмас. Шунингдек акциз солиғида назорат функцияси ҳам яққол намоён бўлмайди, чунки ушбу солиқнинг тўғри ҳисобланиши устидан назорат солиқ идоралари томонидан амалга оширилади.

Акциз солиғининг фискал функцияси мазкур солиқ ставкаларини белгилашдан тортиб, то уни ундирилишигача бўлган жараёнда яққол намоён

⁷ Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 68 б.

⁸ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Тошкент, “Академия”, – б. 178.

бўлади. Шу боис акциз солиғи дунёнинг кўпгина давлатларида бюджет даромадларининг асосий манбаси ҳисобланади. Фикримизча, акциз солиғининг яна бир муҳим функцияси ички бозорни, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида кенг қўлланиладиган иқтисодий тартибга солиш функциясидир. Давлат аксарият ҳолларда акциз солиғидан иқтисодий тартибга солиш мақсадида импорт қилинаётган товарларга нисбатан чекловлар сифатида фойдаланиб, бундай товарларга нисбатан юқори акциз солиғи ставкаларини ўрнатади. Бунга мисол тариқасида мамлакатимизда маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳимоялаш мақсадида импорт қилинадиган янги автомобилларга нисбатан двигатель қувватига қараб 1 см³ учун 2,4 доллардан 3,1 доллар миқдоригача акциз солиғи ўрнатилганлигини⁹ келтиришимиз мумкин. Лекин, шу билан бирга, акциз солиғидан айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ҳам фойдаланилади. Масалан, 2011 йилда ўсимлик ёғининг бир тоннаси учун 657900 сўм миқдорида акциз солиғи белгилангани ҳолда, “Ўзбекистон” номли ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилганда акциз солиғи ҳисобланмайди.

Акциз солиғи юки, назарий жиҳатдан олиб қаралганда, ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб ва таклифга боғлиқ равишда истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида тақсимланади. Агар ишлаб чиқарилаётган товарга бўлган талаб юқори ёки ноэластик бўлса, унда акциз солиғининг асосий юки истеъмолчига тушади, башарти таклиф юқори ёки ноэластик бўлса, акциз солиғи юки кўпроқ ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади¹⁰. Умуман олганда, акциз солиғининг жорий этилиши ёки унинг ставкасининг оширилиши ишлаб чиқаришда самарадорликни пасайтиришни келтириб чиқарса, истеъмолнинг нисбатан камайишига олиб келади.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 1449-сонли қарори, 2010 йил 24 декабр.

¹⁰ Талабнинг нархга биноан эластиклиги-бу нархнинг ўзгаришига жавобан талабнинг нақадар ўзгарганлигини билдиради. /Иқтисодий назарияси. А.Ўлмасов, А.В.Ваҳобов. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 122 б.

Умуман, акциз солиғи барча солиқларга хос бўлган функцияларни бажариш билан бирликда алоҳида хусусиятларга ҳам эга бўлиб, мазкур хусусиятлар маълум маънода акциз солиғининг моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Кўпчилик солиқлар каби акциз солиғи фискал ва тартибга солиш функцияларини бажаради. Фикримизча, юқорида келтирилгандек солиқларнинг эътироф этилган тўртта функциясидан фақат икkitаси акциз солиғида тўлиқроқ, кенгроқ намоён бўлади. Чунки акциз солиғининг тақсимлаш функцияси ишлаб чиқарувчига сезиларли таъсир кўрсатмайди, чунки ушбу солиқ бевосита даромадлардан ундирилмасдан, истеъмолдан ундирилгани учун даромадларни тақсимлашдаги иштироки юқори даражада эмас. Шунингдек акциз солиғида назорат функцияси муҳим рол ўйнамайди, чунки ушбу солиқнинг тўғри ҳисобланиши устидан назорат солиқ идоралари томонидан амалга оширилади.

1.2. Товар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда акциз солиғининг аҳамияти

Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларида бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга акциз солиғи ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида мувафаққиятли қўлланилмоқца. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги кунга қадар бундай кенг тарқалишининг асосий сабаби, унинг фискаллик аҳамияти ва йиғувчанлик даражасининг юқорилигидадир. Бу ҳақда, ҳатто 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: «акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир»¹¹.

Акциз солиғи оммавий турдаги истеъмол товарлари (хизматлари)га солинадиган эгри солиқ тури бўлиб, маҳсулот баҳоси (ёки хизматлар

¹¹ Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. – М.: 1991. – с. 90

тарифи)га устама шаклда ўрнатилади ҳамда шу тариқа охирги истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Акцизлар моҳиятан индивидуал ва универсал акцизларга бўлинади. Индивидуал акцизлар моҳиятан ва табиатан универсал акцизлар – қўшилган қиймат солиғи, оборот солиғи ҳамда сотувга солинадиган солиққа ўхшаш бўлиб, чекланган товарлар гуруҳига солиниши билан улардан фарқланади. Одатда, акцизга тортиладиган товарлар, умумий характерга эга бўлиб, ушбу товарларга бўлган талаб даромад даражасига нисбатан паст эластакли (эгиловчан)дир.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви ва ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда акциз солиғи биринчилардан бўлиб жорий этилган, чунки ушбу солиқни жорий этиш ва унинг тўланиши устидан назоратни амалга ошириш нисбатан осон кечади. Бундай маъмурий афзалликлар солиқ органларининг солиқни ундиришда бухгалтерия китобларига таянишлари ўрнига, балки маълум бир товарларнинг физик ҳажми устидан назорат қила олиш имкониятларига эгалигидан келиб чиқади.

Тарихан, акциз солиғи истеъмолга эмас, балки ишлаб чиқаришга солинадиган солиқ ҳисобланган, яъни ишлаб чиқариш жойининг ўзида ишлаб чиқарувчилардан ундирилган. Акциз солиғи маҳсулот бирлигига қатъий белгиланган суммаларда ёки товар қийматига нисбатан фоизларда белгиланиши солиқнинг маъмурий афзаллигини янада тўлдиради. Бундан ташқари, акциз солиғи, айниқса, маъмурий харажатлар бирлигига нисбатан ҳисоб-китоб қилинганда, агар акциз ости товарлари гуруҳи пухта ўйланиб, чекланган товарлар гуруҳини ўз ичига олса, юқори даромад келтириши мумкин.

Акциз солиқларининг бошқа истеъмол солиқлари ва мажбурий тўловларидан асосий фарқи: биринчидан, уларнинг амал қилиш доирасининг ўзига хослиги – аниқ бир товар (хизмат) ёки товарлар (хизматлар) гуруҳи истеъмолига қўлланилиши, иккинчидан, эквивалентсиздир. Биринчи хусусият акцизларни кенг қамровли солиққа тортиш базасига эга бўлган истеъмол

солиқлари – қиймат солиғи ёки сотувга солинадиган солиқдан фарқласа, иккинчи хусусият — жамоатчилик товарлари ва хизматларидан фойдаланганлик учун тўланадиган турли тўловлар ва йиғимлардан ажратади.

Бажарадиган функцияларидан келиб чиққан ҳолда акцизларни асосий уч гуруҳга: биринчи гуруҳга, анъанавий акцизлар (алкоголь ичимликлари ва тамаки маҳсулотларига) киради. Мазкур гуруҳдаги акцизларнинг ундирилишидан асосан иккита мақсад кўзланади: ижтимоий зарар маҳсулотлар истеъмолини чеклаш ҳамда фискал, иккинчи гуруҳга, нефт ва нефт маҳсулотларига солинадиган акцизлар киради, учинчи гуруҳ ҳашам буюмларга солинадиган акцизларни ўз ичига олиб, одатда аниқ мақсадни кўзламайди. Бундай гуруҳдаги акцизлар аксарият ҳолларда қайта тақсимлаш функциясини бажаради, чунки мазкур буюмлар истеъмолчиси аҳолининг бой қатлами ҳисобланади. Бундан ташқари, қуйидаги бошқа мақсадларни ҳам айтиш жоиз, масалан капитал сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш маҳсулотларига айрим давлатларда ҳашам буюмлар сирасига мансуб товарлар (автомобиллар, қимматбаҳо электроника маҳсулотлари ва ҳк.)га акциз солиғини солиб, меҳнат сиғими юқори бўлган соҳаларни рағбатлантириш, импорт товарларига солинадиган божхона божларига кўшимча равишда акцизларни жорий этиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ёки ташқи савдо балансини яхшилаш мумкин.

Ўтиш даври иқтисодиёти оқилона йўлга қўйилган акцизли солиққа тортиш, тизими орқали ижобий натижаларга эришиши мумкин, чунки акциз солиғи орқали ўтиш даврининг дастлабки боскичларида солиқли тушумларнинг сезиларли даражадаги салмоғини шакллантириш мумкин. Акцизлар тизимини ташкил этиш нисбатан содда бўлиб, солиқ органлари хизматчиларининг бозор иқтисодиёти доирасида амалга ошириладиган битимли товарлар билан ишлаш борасидаги тажрибаларини оширади. Бундай тажриба ҚҚС ва даромад солиғи билан ишлаш учун зарур бўлган аудит ва назоратнинг мураккаб усуллари асосини ташкил этишга ёрдам беради. Шу

тариқа, акциз солиғи бир томондан, иқтисодиёт ривожланаётган бир пайтда транзит давр қийинчиликларини енгиб ўтишда зарур бўладиган молиявий даромадларни таъминласа, иккинчи томондан, солиқ органларининг солиққа тортишнинг янги янада мукаммал бўлган усуллариға ўтишға ёрдам беради.

Хулоса қилиш мумкинки, зарар ҳисобланган ёки салбий оқибатларни юзага келтирувчи товарларға нисбатан акциз солиғининг қўлланилиши, маълум бир ижобий томонларға эгадир. Солиққа тортиш маълум бир маънода хавфли салоҳиятға эга бўлган товарлар истеъмолиға тўсқинлик қилиш, масалан, алкоголь ичимликлар ва тамаки маҳсулотларида ёки истеъмоли атроф муҳитни ифлослантирувчи бензин ёки ёқилғининг бошқа турларида. Бундай билвосита нафлилик солиқларнинг қўшимча натижавийлигини юзага келтиради, бироқ кўпгина акцизлар, одатда (шундай бўлиши ҳам керак), солиқли тушумларға эга бўлиш мақсадида жорий қилинади.

1.3. Солиқ тўловчилардан акциз солиғини ундиришни ҳуқуқий асослари


Акциз солиғининг республикамыз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллаши, ушбу солиқ тури бўйича тушумларнинг келгуси даврга мўлжалланган илмий прогнозини ишлаб чиқиш зарурлигини ва муҳимлигини белгилаб беради. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётида юқори фискал аҳамиятға эга бўлган акциз солиғи тушумларининг илмий асосланган прогнози асосида келгусида маҳаллий акцизости товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин. Акциз солиғи бўйича тушумларнинг келгуси даврга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги маълумотлар асос қилиб олинди (1-жадвал):

**Ялпи ички маҳсулот, импорт, давлат бюджети даромадлари ва
акциз солиғи тушумлари кўрсаткичлари**

Йиллар	ЯИМ, жорий нархларда (млрд. сўм)	ЯИМ ўсиш суръати, %да	Жами импорт суммаси, млн. АҚШ доллари	Бюджет даромадла- ри (2000 йил қиёсий нархларида млрд. сўм)	Акциз солиғи бўйича жами тушумлар (2000 йил қиёсий нархларида млрд. сўм)	Шу жумладан	
						Республикада ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари	Импорт қилинган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари
2000	3255,6	103,8	2947,4	927,8	252,4	164,3	88,1
2001	4925,3	104,2	3181,7	882,0	211,7	132,7	79,0
2002	7450,2	104,2	2712,0	890,8	236,1	107,0	129,1
2003	9837,8	104,4	2964,2	893,1	265,2	113,9	151,3
2004	12261	107,7	3816,0	894,3	235,2	110,2	125,0
2005	15210,4	107,0	4091,3	961,1	168,2	109,5	58,7
2006	20759,3	107,3	4395,9	944,6	147,4	101,0	46,4
2007	28186,2	109,5	5235,6	1089,3	137,2	112,0	25,2
2008	36839,4	109,0	7504,1	1296,2	165,9	136,0	29,9
2009	48097,0	108,1	9438,3	1324,7	219,9	134,8	85,1
2010	61831,2	108,5	8799,7	1404,7	229,0	149,3	79,7

Прогноз кўрсаткичларининг ишончлилигини ошириш мақсадида бюджет даромадлари, акциз солиғи бўйича тушумлар қиёсий нархларга ўтказилди. Бунинг учун ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръатлари ва 2000 йилдаги миқдори асос қилиб олинди. Ушбу маълумотлар асосида республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар ва импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи тушумларининг 2011-2013 йилларга мўлжалланган илмий прогнозини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан биридир. Қуйида ҳа бу ҳақда қисқа фикрлар баён этилишини муҳим деб топдик (4-диаграммага қаралсин).

Акциз солиғи тушумларининг ўзгариш динамикаси ва истиқбол даврга мўлжалланган илмий прогнози¹²



Акциз солиғи тушумларининг истиқбол даврга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар кесимида ишлаб чиқиш муҳимдир (1-диаграммага қаралсин). Ҳар бир кесимда ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари икки сценарий вариантларида аниқланди. Республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғи тушумларининг биринчи сценарий варианты учун юқори детерминация коэффицентга ($R^2=0,8932$) эга бўлган полиномияль тренд чизиғи асос қилиб олинди ва қуйидаги формула билан изоҳланади:

$$y = -0,1806x^3 + 5,2495x^2 - 40,205x + 195,92,$$

бунда: y – ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари;

x – таҳлил этилаётган йиллар.

Республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича акциз солиғи тушумларининг иккинчи сценарий вариантыда ялпи ички

¹² Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маҳсулотнинг келгуси даврга мўлжалланган ўсиш суратларининг прогнозлари асос қилиб олинган. Импорт қилинадиган товарлар бўйича акциз солиғи тушумлари прогноз кўрсаткичларининг биринчи вариантини ишлаб чиқишда ялпи ички маҳсулотнинг келгуси даврга мўлжалланган ўсиш суратлари прогнозлари асос қилиб олинган бўлса, иккинчи вариант импорт кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси асосида ишлаб чиқилди. Юқоридаги чизмадан кўриниб турибдики, ишлаб чиқилган илмий прогноз бўйича 2011-2013 йилларда акциз солиғи тушумлари қиёсий нархларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бундай прогнозни кўрсаткичларни ҳисоблаш ва амалда қўллаш муҳимдир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё бўйича акциз солиғи ҳисоблашда солиқ солинадиган база товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қиймати ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Акциз солиғини ҳисоблашда мулк ҳуқуқи буюртмачида бўлишига қарамасдан, давал хом ашёсини қайта ишловчи корхонада қайта ишлаш учун олинган хом ашё қийматининг акциз солиғи солинадиган базага киритилиши ҳисоб-китобларда хатоликларга олиб келмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар бўйича акциз солиғига тортиладиган базани аниқлашда ушбу материаллар қийматининг киритилмаслиги солиққа тортишнинг аниқлик принципи асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 238-моддасига мувофиқ, акциз солиғи тўловчилар учун “солиқ даври қўйидагилардир:

микрофирмалар ва кичик корхоналар учун - йил чораги;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун - бир ой.” Бошқа солиқ турлари бўйича календарь йил солиқ даври ҳисобланади. Акциз солиғи бўйича солиқ даврининг бошқача белгиланиши ушбу солиқ тури бўйича ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишида чалкашликларни келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиқиб, акциз солиғининг солиқ даврини бошқа солиқлар бўйича солиқ даврига

унификациялаш ва акциз солиғи ҳисоботларини такомиллаштириш мақсадида республика ҳудудида акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи ҳисоблашда солиқ даврини календарь йилга тенглаштириш таклифи илгари сурилмоқда.

Ҳозирда амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғи бўйича ҳисоботларни топшириш муддатлари “акциз солиғи тўловчилар бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда солиқ давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим”¹³ этилиши лозимлиги белгиланган, лекин акциз солиғининг тўлаш муддатлари “жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун; жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун; келгуси ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун”¹⁴ белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни топшириш муддати билан мазкур солиқни тўлаш муддатларини бирхиллаштириш мақсадида йирик корхоналар томонидан ҳисоб-китобни топшириш муддатига мос равишда ҳар ойда кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай акциз солиғини тўлаш муддатларининг белгиланиши акцизости товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг айланма маблағлари четланишини камайтиришга хизмат қилади.

Қонунчиликка мувофиқ товарлар сотиб олинган ёки импорт қилинган товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилса ушбу товарлар учун тўланган акциз солиғи чегириб ташланади. Мазкур чегирманинг солиқ даврида сотилган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган хом ашё ҳажмидан келиб чиқиб аниқланган акциз солиғи суммасига нисбатан қўлланилиши ҳисоб-китобларни амалга оширишда чалкашликларни келтириб чиқармоқда.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 239-моддаси.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 240-моддаси.

Бизнингча, сотиб олинган ёки импорт қилинган товарлардан хом ашё сифатида фойдаланилганда, ушбу товарлар учун тўланган акциз солиғи солиқ даврида тўлиқ чегириб ташланиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизмини такомиллаштиришнинг зарур шартларидан бири кўп йиллардан буён акциз солиғидан ички бозорни ҳимоялашда фойдаланиб келаётган тараққий этган мамлакатларнинг тажрибасини пухта ўрганиш ва илғор тажрибалардан республикамизда ижодий, самарали фойдаланишдир. Тадқиқот давомида илғор хориж тажрибаларини ўрганиш натижасида мамлакатимизда ижтимоий аҳамиятга эга товарларга (ўсимлик ёғи) нисбатан акциз солиғи ставкасини пасайтириш, унинг ўрнига бюджетдаги йўқотишларни қоплаш мақсадида ўйин автоматлари, лотереяларга нисбатан акциз солиғини жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифнинг жорий этилиши ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўсимлик ёғи баҳоси шаклланишида акциз солиғининг улуши камайишига, пираворд натижада ушбу товар нархининг пасайишига хизмат қилади, давлат бюджети даромадларидаги йўқотишларни таваккалчиликка асосланган лотереялар ва ўйин автоматларига нисбатан акциз солиғини жорий этиш орқали қоплаш имкониятларини юзага келтиради.

Республикамиз ҳудудига олиб киритиладиган импорт товарлари бўйича акциз солиғи ставкаларини табақалаштиришни такомиллаштириш зарур. Бунда республикада ишлаб чиқарилмайдиган товарларнинг импортига нисбатан акциз солиғини бекор қилиш, миллий бозорни ҳимоялаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада ишлаб чиқариладиган товарларнинг импортига нисбатан акциз солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

II БОБ. АКЦИЗ СОЛИҒИ ТЎЛОВЧИЛАР, СОЛИҚ ОБЪЕКТИ ВА БАЗАСИНИ АМАЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШНИН ХОЛАТИ (САМВДСБ МИСОЛИДА)

2.1. Амалда солиқ тўловчилари, улардан акциз солиғини ундириш тартиби

Акциз солиғини тўловчилари бўлиб, мулк шаклидан ва солиққа тортишнинг қандай тартиби ўрнатилганлигидан қатъий назар акцизosti товарларни ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Бундан ташқари, оддий ширкат акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарганда оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериғи акциз солиғини тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Солиққа тортиш мақсадида юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва ҳисоб-китоб варағига эга бўлган алоҳида корхоналар тушунилади.

Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан: товарни сотиш (жўнатиш);

гаров билан таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш;

акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш;

акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш;

акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган

ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

Текинга бериладиган акцизланадиган маҳсулот бўйича қуйидагилар солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади:

-акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган алкоғолли маҳсулот, тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, вино бўйича - сотилган маҳсулот ҳажми натура ифодасида;

-бошқа акцизланадиган маҳсулотлар бўйича солиқ тўловчида товарни

бериш пайтида шаклланган нархлар даражасидан келиб чиқиб ҳисобланган, бироқ мазкур акцизланадиган товарни ишлаб чиқариш бўйича ҳақиқатда шаклланган харажатлардан паст бўлмаган қиймат.

Қуйидаги акцизности товарларга акциз солиғи солинмайди:

1) акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари мустасно;

2) кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши шарти билан «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимига жойлаштирилган товарлардан ишлаб чиқарилган қайта ишлаш маҳсули бўлган акциз тўланадиган товарларни топширишга;

3) табиий офатлар, қуролли можаролар, бахтсиз ҳодисалар ёки авариялар юз берганда ёрдам кўрсатиш учун, инсонпарварлик ёрдами ва беғараз техник кўмак сифатида, шунингдек хайрия мақсадлари учун акциз тўланадиган товарларни давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилишга;

4) акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз солиғи солинмайдиган товарларни олиб кириш нормалари доирасида жисмоний шахслар томонидан импорт қилишга;

5) ваколатли давлат органининг ёзма тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларини импорт қилишга.

Акцизланадиган товарлар учун солиқ солиш базаси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган тамаки маҳсулотлари, ўсимлик (пахта) ёғи, этил спирти, пиво, конъяк, ароқ ва бошқа


алкоголли ароқ маҳсулотлари, фильтрли ва филтрсиз сигареталар, нефть маҳсулотлари (бензин, дизель ёқилғиси ва авиакеросин) бўйича - сотилган маҳсулотнинг натурал кўринишидаги ҳажми;

- акциз солиғи тўланадиган бошқа маҳсулотлар (заргарлик буюмлари, кумушдан қилинган ошхона буюмлари, табиий газ, суюлтирилган газ, “ЎзДЭУАвто” акционерлик жамияти автомобиллари) бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳисобга олмаган ҳолда, шартномавий нархлар бўйича юклаб жўнатилган товарнинг қийматига фоиз ҳисобида.

2007-2012 йилларда М.А. Ховренко номидаги Самарқанд вино заводи томонидан тўланган акциз солиғи ҳақида маълумотни кўриб чиқайлик (2-диаграммага қаралсин).

2-диаграмма

2007-2012 йилларда М.А. Ховренко номидаги Самарқанд вино заводи томонидан тўланган акциз солиғи ҳақида маълумот



Буюртмачи томонидан бериладиган хом ашёдан маҳсулотга акциз солиғини ҳисоблаш чоғида акциз солиғи солинадиган маҳсулотни сотишга

доир айланма қуйидагича белгиланади:

-акциз солиғининг қатъий ставкалари белгиланган маҳсулот бўйича тайёр маҳсулотнинг физик ҳажмидан келиб чиқиб;

-бошқа маҳсулотлар бўйича тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматидан ва буюртмачи томонидан бериладиган хом-ашё қийматидан келиб чиқиб.

2.2. Алоҳида товарлар бўйича бюджетга тўланадиган акциз солиғини ҳисоблашда солиқ имтиёзларини қўллаш хусусиятлари

Алкоголли маҳсулот бўйича белгиланган тартибга мувофиқ бюджетга тўланадиган акциз солиғи суммаси белгиланган ставкалар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ суммаси билан “Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси (ХК) махсус ҳисобварағига ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги айирма сифатида белгиланади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори, шунингдек мазкур тартиб татбиқ этиладиган алкоголли маҳсулотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Алкоголли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга ўтказиладиган, белгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган акциз солиғини тўлашга доир махсус ҳисобварақ очадилар, ҳисобланган солиқ корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХКга тегишли бўлган акциз солиғи суммаси, башарти корхона алкоголли маҳсулотга доир акциз солиғи бўйича тўловларнинг белгиланган прогнозларини бажарган ва унда кўрсатилган солиқ тури бўйича боқимандалар мавжуд бўлмаса, компаниянинг махсус ҳисобварағига йўналтирилади.

Туман (шаҳар) давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан, улар бўлмаганида эса туман (шаҳар) ҳокимиятлари молия бўлимларининг раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунига қадар акциз солиғи бўйича тўловлар прогнозларининг бажарилганлиги ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқиманданинг бор-йўқлиги тўғрисида далолатнома тузадилар. Далолатномаларнинг кўчирма нусхалари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этилади.

Акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилган ҳамда умуман олганда кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалар бўлмаган тақдирда корхона ҳисобварағида тўпланган сумма, хизмат кўрсатадиган банк учун асос бўлиб ҳисобланадиган далолатномага асосан, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай корхона томонидан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг қуйидаги махсус ҳисобварағига ўтказилади: 20210000100192291004 СТИР 200626156 МФО 00439, Тошкент ш., “Савдогарбанк” Амалиёт бошқармаси (ОПЕРУ).

Корхона томонидан акциз солиғи бўйича белгиланган тўловлар прогнозлари бажарилмаган ҳамда умуман олганда унинг кўрсатилган солиқ тури бўйича бюджет олдида боқимандалари бўлган тақдирда, етишмаётган сумма далолатномага асосан корхонанинг ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобидан бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса далолатномага асосан “Ўзвиносаноат-холдинг” ХКнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ҳокимиятлари молия бошқармаларининг бошлиқлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти молия Бош бошқармаси бошлиғи, давлат солиқ хизмати ва хизмат кўрсатадиган банклар ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек

“Ўзвиносаноат-холдинг” ХК корхоналарига Молия вазирлиги томонидан бириктирилган молия инспекторларининг зиммасига юкланади.

Белгиланган тартибга мувофиқ озиқ-овқатда ишлатиладиган ўсимлик (пахта) ёғи бўйича, бундан саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ мустасно, бюджетга тўланадиган акциз солиғининг суммаси бўлиб умумбелгиланган ставка бўйича ҳисоблаб чиқилган солиқ суммаси билан махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Бунда акциз солиғи суммаси, корхона томонидан белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва ўсимлик (пахта) ёғи бўйича акциз солиғига доир боқимандалар мавжуд бўлмаган тақдирда, махсус ҳисобвараққа йўналтирилади.

Махсус ҳисобвараққа ўтказиладиган акциз солиғининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарадиган корхоналар уларга хизмат кўрсатадиган банкда белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғини тўлаш бўйича алоҳида ҳисобварақ очадилар, у корхонанинг кўрсатилган ҳисобварағига ҳар ўн кунда, акциз солиғини тўлаш муддатларидан кечиктирмай ўтказилади.

Давлат солиқ хизмати туман органларининг раҳбарлари корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари билан ҳамкорликда, улар бўлмаган тақдирда эса туман (шаҳар) ҳокимиятларининг молия бўлимлари раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳисобот ойининг якунлари бўйича, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай, акциз солиғи бўйича боқиманда ёки ортиқча тўлов суммасини аниқ кўрсатган ҳолда прогноз кўрсаткичларининг бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

Акциз солиғи бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилган ва унга доир боқиманда бўлмаган тақдирда корхонанинг махсус ҳисобварағида тўпланган сумма далолатнома асосида ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ёки акциз солиғи бўйича боқиманда бўлмаган тақдирда етишмаётган сумма далолатнома асосида корхона ҳисобварағида тўпланган сумма ҳисобига бюджетга ундирилади, тўпланган сумманинг қолган қисми эса махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

2-жадвалда 2012 йилда бюджетга акциз солиғи тўловлари бўйича маълумотни кўриб чиқайлик

2-жадвал

**2012 йилда бюджетга акциз солиғи тўловлари бўйича маълумот, минг
сўмда**

Т/р	Манба номи	Ҳисоб даври бўйича прогноз	Йил бошидан ҳақиқатга тушум	Фарқи	Бажари- лиши, %
1	Алкогол маҳсулотлари, жами	14113686,0	16163280,9	2049594,9	114,5
1.1.	Ароқ	8209800,0	9813067,8	1603267,8	119,5
1.2.	Коньяк	456700,0	633837,8	177137,8	138,8
1.3.	Табиий вино	58700	0	0	0
1.4.	Бошқа винолар	886600,0	1635298,6	748698,6	184,5
1.5.	Пиво	4501886	3795697,8	-706188,2	84,3
2	Ўсимлик ёғи	6236300	6645330,5	409030,5	106,6
	Жами	20349986,0	23107161,8	2757175,8	113,6

Ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг махсус ҳисобварақларида тўпланган пул маблағлари қатъиян мақсадга кўра ишлатилади, яъни махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 6-кунидан кечиктирмай, махсус ҳисобварақда тўпланган маблағлар конвертацияга йўналтирилади. Конвертацияланган маблағлар икки банк куни мобайнида ҳукумат кафолати билан жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирилиши керак. Солиқ солишдан бўшатиб олинган маблағлардан мақсадга кўра фойдаланилмаганда корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган миқдорда ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғининг келиб тушиши ва кўрсатилган маблағларни кредитларни сўндиришга йўналтириш тўғрисида ҳисобот тақдим этилади.

Акциз солиғини ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармаларининг бошлиқлари, Давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг раҳбарлари, шунингдек Молия вазирлигининг ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари зиммасига юкланади.

Солиқ кодексига кўра қуйидагиларга акциз солиғи солинмайди:

- акцизланадиган товарларни экспортга етказиб бериш, бундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган айрим товарлар рўйхати мустасно;

- саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган пахта ёғини етказиб бериш;

Акциз тўланадиган товарлар олинаётганда ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилинаётганда, агар мазкур товарлардан кейинчалик акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўланган акциз солиғи суммаси чегириб ташланади.

Чегирма солиқ даврида реализация қилинган акциз тўланадиган товарлар ҳажмига тўғри келадиган акциз тўланадиган товар (хом ашё) ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланган акциз солиғининг ҳисобварақ-

фактурада ёки божхона юк декларациясида кўрсатилган суммасига нисбатан амалга оширилади. Ушбу тартибларни қўллаш орқали миллий бозорни янада ривожлантиришда акциз солиғи таъсирини кучайтиришга эришган бўлар эдик.

2.3. Акциз солиғини тўлаш ва ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва акциз маркаларини қўллаш тартиби

Акциз солиғини тўловчилар томонидан сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган акциз солиғи суммаси бюджетга қуйидаги муддатларда тўлаши кўзда тутилган:

- жорий ойнинг 13-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг биринчи ўн кунлиги учун;
- жорий ойнинг 23-кунидан кечиктирмай - жорий ойнинг иккинчи ўн кунлиги учун;
- кейинги ойнинг 3-кунидан кечиктирмай - ҳисобот ойининг қолган кунлари учун.

Товарга илова қилинадиган ҳужжатларда кўрсатилган маҳсулот юклаб жўнатилган кун сотиш куни бўлиб ҳисобланади.

Ўн кунлик тўловлар бўйича акциз солиғининг келиб тушган суммаси Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларида бир вақтда солиқни “Ҳисоблаб ёзиш” ва “Тўлаш” устунларида акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоб рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилади:

- корхоналар томонидан (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) - ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан ҳар ойда, белгиланган шаклда, унга солиқ солинмайдиган айланмалар суммалари расшифровкаси илова қилинган ҳолда;

- микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - биринчи чорак, ярим йиллик ва 9 ой якунлари бўйича, ўн кунликларга тақсимлаган ҳолда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан, йил якунлари бўйича эса белгиланган шаклда, йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатида.

Дам олиш (ишланмайдиган) ёки байрам кунига тўғри келадиган акциз солиғини тўлаш муддатлари, тегишинча, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатлари ҳам дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Ҳисобот даври мобайнида ўн кунлик тўловлар билан киритилган акциз солиғи суммалари тегишли ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммасида ҳисобга олинishi керак.

Ортиқча киритилган акциз солиғи суммалари бўлғуси тўловлар ҳисобига киритилади ёки унинг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб Давлат солиқ хизмати органи томонидан 30 кун ичида тўловчига қайтарилади (агар бюджетга бошқа солиқ турлари бўйича қарз мавжуд бўлмаса).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра рўйхатлар ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

Акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи божхона хизматлари томонидан сўмларда ундирилади ва ҳар 5 кунда республика бюджетига ким қилинади.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарларга акциз солиғининг ҳисоби ва унинг бюджетга келиб тушиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматининг ҳудудий бошқармалари амалга оширади.

Республика ҳудудига акциз тўланадиган товарларни олиб кировчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек жисмоний шахслар акциз солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солиш объекти бўлиб божхона юк декларациясининг 45-устунида кўрсатилган, товарнинг божхона расмийлаштируви пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича сўмларда қайта ҳисобланган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C \times A/100,$$

бу ерда:

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Пиво, алкогольли ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ солинадиган оборот қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O = C \times 100 / (100 - A),$$

бу ерда:

O - солиқ солинадиган оборот;

C - божхона қиймати;

A - акциз солиғи ставкаси.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$O \times A/100,$$

бу ерда:

O - солиқ солинадиган оборот;

A - акциз солиғи ставкаси.

Олиб кириладиган, акциз тўланадиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғи суммаси товарнинг божхона қийматидан фоизларда ёки бир бирлик ўлчови учун АҚШ долларларида белгиланади.

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз солиғи олинмайдиган

товарларнинг жисмоний шахслар томонидан олиб кирилиши бўйича белгиланган нормалар"га кўра жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган, акциз солиғига тортиладиган товарларга нисбатан акциз солиғи татбиқ этилмайди.

Мажбурий равишда маркаланадиган, олиб кириладиган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғини тўловчилар акциз маркаларини харид қилиш чоғида контракт (баёнот берилган) қийматидан ҳисобланган акциз солиғи суммасининг 100 фоизини тўлайдилар, бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғи суммасидан ортиқ миқдорда тўланади, маблағлар белгиланган тартибга кўра республика бюджетига кириш қилинади.

Маркаланган, акциз тўланадиган товарлар олиб кирилганда акциз солиғи суммаси божхона қийматидан келиб чиқиб қайта ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган товарларга акциз солиғининг суммаси республика бюджетига 26-бўлимининг 11-параграфига кириш қилинади.

Давлат божхона қўмитаси ҳудудий божхона бошқармаларининг қарорига кўра тўловчига, товарларнинг божхона расмийлаштируви санасидан бошлаб 2 ойдан ошмайдиган муддатга акциз солиғини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тақдим этилиши мумкин.

Ортиқча келиб тушган акциз солиғи суммаси ўттиз кун ичида қайтарилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига киритилиши керак.

Улар тўланган ёки ундирилган пайтдан бошлаб бир йил давомида тўловчи ортиқча тўланган ёки ундирилган акциз солиғи суммалари қайтарилишини талаб қилиб, мурожаат этиши мумкин.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш божхона органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

- тўловчининг ёзма аризаси, унда ортиқча тўлаш ёки ундириш сабаблари кўрсатилади, шунингдек пул маблағлари қайтарилиши керак бўлган тўловчининг банк реквизитлари берилади;

- акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ундириш учун асос бўлган божхона юк декларацияси;

- ижроси тўғрисида банк белгиси қўйилган, акциз солиғининг тегишли суммаларини тўлашга оид тўлов ҳужжати;

- товарлар (ишлар, хизматлар) чегарадан ҳақиқатда олиб ўтилгани тўғрисида чегара божхонасининг белгиси қўйилган (зарур ҳолларда) товарга илова қилинувчи ҳужжатлар.

Ортиқча тўланган акциз солиғи суммаларини қайтариш умумий тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқарилиши, импорт қилиниши, сақланиши, ташилиши ва сотилиши устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек акциз солиғи тўлиқ ундирилиши, кўрсатилган товарларни яширинча ишлаб чиқариш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келишнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги 285-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига олиб келинадиган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни, пиводан ташқари, мажбурий тарзда белгиланган намунадаги акциз маркалари билан маркалаш жорий этилди ва уларни акциз маркаларини ёпиштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш, ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш таъқиқланди.

Акциз товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар республика бюджетига номинал қиймати бўйича буюртма берилаётган акциз маркалари миқдорининг бутун суммасини тўлагач, давлат солиқ инспекцияларига турлари бўйича акциз маркаларининг зарур миқдорини харид қилишга буюртманома топширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат

солиқ бошқармалари солиқ инспекцияларининг акциз маркаларига доир келиб тушган буюртманомаларини ҳудуд бўйича умумлаштирадилар ва қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат солиқ қўмитасига тақдим этадилар, бунда ишлаб чиқарувчи корхоналар улар буюртирган миқдорда акциз маркаларининг номинал қийматини тўплашганини тасдиқлайдилар. Келаётган йилга буюртманома умуман йил бўйича, чоракларга тақсимлаган ҳолда берилади.

Акциз маркаларини босиш учун буюртманомани “Давлат белгиси” Давлат ишлаб-чиқариш бирлашмаси (ДИЧБ)га жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси амалга оширади.

Импортчилар, шу жумладан акциз товарларини Ўзбекистон Республикасига олиб келадиган жисмоний шахслар буюртманомани Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий органларига топширадилар. Бу органлар тақдим этилган буюртманомалар асосида, юқорида келтирилган тартибга ўхшаб, акциз товарлари учун акциз маркаларига йиғма буюртманома тузадилар ва белгиланган тартибда Давлат божхона қўмитасига тақдим этадилар.

Давлат солиқ инспекциялари ва Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий органлари акциз маркаларини сотишни белгиланган шаклга биноан ана шу маркаларни харид қилишга доир буюртманома – ҳисоб-китобга мувофиқ Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари орқали амалга оширадилар.

Пахтабанкнинг минтақавий бўлинмалари акциз маркаларини:

- тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларига – акциз маркаларининг номинал қиймати тўланганидан кейин;
- тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар импортчиларига – номинал қиймати бўйича акциз маркалари тўлиқ тўланганидан ва акциз солиғи тўлиқ ҳажмда тўланганидан кейин берадилар.

Ишлаб чиқарувчилар ва импортчилар номинал қиймати бўйича харид

киладиган акциз маркалари учун пул маблағлари республика бюджетига киритилади ва акциз солиғини тўлаш чоғида акциз маркаларининг қиймати ҳисобига олинмайди.

Акциз маркаларининг номинал қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Давлат белгиси” ДИЧБ ҳисоб-китоблари бўйича тасдиқлайди.

“Давлат белгиси” ДИЧБнинг акциз маркаларини ишлаб чиқаришга доир харажатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджети маблағлари ҳисобига уларнинг номинал қиймати доирасида қоплайди.

Республикадан ташқарига экспорт қилинадиган:

- республика ҳудудига божсиз савдо дўконлари учун олиб келинадиган;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати бўлганда кўргазмалар ўтказиш учун олиб келинадиган;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига халқаро транзит бўйича олиб келинадиган ва олиб чиқиш учун мўлжалланган;
- Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган акцизсиз олиб келиш меъёрлари доирасида олиб келинадиган (жўнатиладиган) акцизоти товарлари мажбурий тарзда **маркаланмайди**.

Республика ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган пиво Ўзбекистон Республикасининг акциз маркалари билан маркаланмайди.

Республикага кўргазмалар ўтказиш учун олиб келинган акциз товарлари, улар кўргазмалар яқунланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси акциз маркалари билан мажбурий тарзда маркаланиши керак ва улар бўйича умумий белгиланган тартибда акциз солиғи тўланади.

Акциз маркалари ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган акциз товарларининг турларига боғлиқ равишда ҳарфий ва рақамли белгилар билан

маркаланади ҳамда қуйидаги турларга бўлинади:

- IM – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт бўйича олиб келинган;
- O'Z – маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган;
- 98 – дастлабки икки белги – акциз маркаси босиб чиқарилган йил;
- 01 ёки 001 – кейинги икки ёки учта белги – ишлаб чиқарувчи корхоналарга (импортчиларга) тегишлича тамаки маҳсулоти ёки алкогольли ичимлик бўйича бериладиган код рақамлари;
- 4 рақам белгиси акциз маркаларида тамаки маҳсулоини билдиради;
- 5 рақам белгиси акциз маркаларида алкогольли маҳсулотни билдиради;
- 98 билан тугайдиган охири рақамлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акциз товарлари майда туркумлар билан олиб келинганлигини англатади;
- 99 билан тугайдиган охири рақамлар мусодара қилинган акциз товарлари англатади.

III БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКЦИЗ СОЛИҒИНИ ТАЪСИРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Акциз солиғини белгилашда хорижий давлатлар тажрибаси ва ундан миллий иқтисодиётни ривожлантиришда фойдаланишнинг айрим жиҳатлари

Акциз солиғи ставкалари ва акцизоти товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади ва солиқ тўловчиларга Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қуйи органлари томонидан белгиланган тартибда етказилади. 2008 йилда акцизоти товарларга белгиланган солиқ ставкалари қуйидагилардан иборат:

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган акцизли товарларга нисбатан акциз солиғи СТАВКАЛАРИ¹⁵

Товарлар номи	Солиқ ставкаси	
	акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда сотиш нархларида товарлар қийматига нисбатан фоизларда	бир ўлчов бирлигига сўмларда
1	2	3
1. Этил спирти (1 дал. учун)		3 031
2. Вино (1 л. тайёр маҳсулот учун) ¹		
Табиий (этил спирти қўшилмаган)		5 230
Бошқа вино		5 728
3. Коньяк, ароқ ва бошқа алкоголи маҳсулотлар (1 дал. тайёр маҳсулот учун) ¹		26160
4. Таркибида фоизларда хажмий улушда этил спирти (алкоголь) бор пиво (1 литр тайёр маҳсулот учун): ¹		
- 4,5 гача (ҳисобга олинади)		1000

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори маълумотлари

- 4,5 дан юқори – 6,0 гача (ҳисобга олинади)		1300
- 6,0 дан юқори		2200
5. Ўсимлик (пахта) ёғи (1 тонна учун): ¹		
- озиқ-овқат ёғи (саломас ва “Ўзбекистон” ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғдан ташқари);		495000**
- техник мой (кислота миқдори 0,3 мг КОН/г дан юқори, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшишга яроқсиз бўлган)		329000
6. Сигареталар (1000 дона учун): ¹		
- филтрли		5206
- филтрсиз, папирослар		1476
7. Заргарлик буюмлари	25	
8. “ЎзДЭУАвто” АЖ ишлаб чиқарган автомобиллари ²	29	
9. Кумушдан ишланган ошхона анжомлари	11	
10. Қимматбаҳо металллар ²		
11. Нефть маҳсулотлари:		
- бензин А-76, АИ-80 (1 тоннасига)		148000
- бензин АИ-91, АИ-92, АИ-93 (1 тоннасига)		163000
- бензин АИ-95 (1 тоннасига)		188000
- дизель ёқилғиси (1 тоннасига)		130000
- авиакеросин (1 тоннасига)		18700
12. Табиий газ ² (аҳолига сотиладиган табиий газ ҳажми бундан мустасно), экспорт билан бирга	25	
13. Ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (“Ўзтрансгаз» АК минтақалараро унитар корхоналари томонидан аҳолига сотиладиган газ ҳажми бундан мустасно) ² , экспорт билан бирга	26	

Изоҳлар:

1) Қатъий миқдорда белгиланган акциз солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан нархларнинг динамикаси ҳамда маҳсулотнинг сотилиши ҳажмидан келиб чиққан ҳолда йил мобайнида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

2) “ЎзДЭУавто” АЖ автомобиллари, табиий ва суюлтирилган газга ҳамда қимматбаҳо металлларга акциз солиғини тўловчилар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Айрим ривожланган давлатларда, масалан, Францияда акцизлар товарларнинг натурал бирлигига нисбатан қатъий ставкаларда белгилаб қўйилган. Жумладан, 1 литр вино учун акциз солиғининг ставкаси 22 сантимни, 1 литр шампан виноси учун 55 сантимни, 1 литр пиво учун эса

19,5 сантимни ташкил қилади.¹⁶

АҚШда акциз солиқлари Федерал аҳамиятга эга бўлган солиқ ҳисобланади. Лекин уларнинг давлат бюджети даромадларининг ҳажмидаги салмоғи нисбатан кичик. Акциз солиғи тамаки ва алкогольли маҳсулотларга, транспорт хизматларига нисбатан жорий қилинган. Акциз солиғининг ставкаси 10 фоизни ташкил этади.

Буюк Британияда акциз солиқлари эгри солиқларнинг таркибида салмоғига кўра қўшилган қиймат солиғидан кейинги ўринни эгаллайди. Акциз солиғи ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига, транспорт воситалари ва хизматларига нисбатан жорий қилинган. Унинг ставкалари 10 фоиздан 30 фоизгача оралиқда тебранади.

Германияда акциз солиғи бўйича тушумларнинг асосий қисми Федерал бюджетга ўтказилади, фақат пивога нисбатан жорий қилинган акциз солиғи бўйича тушумлар федерал бюджетга келиб тушмайди. Акциз солиғининг ставкалари товарларнинг нотўғри бирлигига нисбатан фоизларда ва “евро”да белгиланган. Масалан, суғурта битимлари бўйича акциз солиғининг ставкаси суғурта полиси суммасининг 12 фоиз миқдорида белгиланган. Шампан виносига нисбатан белгиланган солиқ ставкаси 0,75 литр учун 2 еврони ташкил қилади. Ушбу ҳолат диққатга молик. Ундан мамлакат иқтисодиётини тартибга келтиришда фойдаланиш муҳимдир.

Россия Федерациясида 2001 йилнинг 1 январидан бошлаб, солиқ кодексининг 2-қисмини кучга киритилиши муносабати билан акцизларни қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди, яъни анъанавий акциз солиғи тўловчилар қаторига улгуржи савдо ташкилотлари ҳам киритилди.

Россия Федерациясида акциз солиғининг давлат бюджети даромадларининг манбаи сифатидаги роли жуда муҳим бўлиб, у акциз солиқлари бўйича тушум суммаларини Федерал бюджет даромадлари таркибидаги салмоғини юқори эканлигида намоён бўлади. Масалан, 2003 йилда акциз солиғи бўйича тушумларнинг Россия Федерал бюджети

¹⁶ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: 2002. -15 б.

даромадлари таркибидаги салмоғи 9,6 фоизни ташкил қилди.¹⁷

3.2. Акциз солиғини бозор иқтисодиётини ривожлантиришига имконият яратиб беришдаги таъсирини кучайтириш тенденциялари

Акциз солиғи бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўзини фақат бюджетнинг самарали фискал инструменти сифатида намоён этибгина қолмасдан, балки барча тадбиркорлар учун хўжалик юритишда тенг ягона шароитлар яратиб берадиган восита сифатида ҳам яққол кўринади. Акциз солиғи энг умумий солиқ бўлиб, акцизости халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини қамраб олади ҳамда миллий бозордан маълум турдаги товарларнинг четга чиқиб кетишини олдини олиш, шунингдек миллий ишлаб чиқаришга талабнинг камайишига сабаб бўлувчи четдан кириб келадиган товарларнинг купайиб кетиши, аҳоли саломатлигига зарар етказадиган товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиб боришидан миллий бозоримизни ҳимоя қилишда иқтисодий дастак сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида акциз солиғи 1992 йилдан жорий этилган. Акциз солиғи мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки ўн йиллигида давлат бюджети даромадларини таъминлашнинг муҳим манбаларидан бирига айланди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, 1992-1994 йилларда солиқ тушумларида акциз солиғи улуши мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бу даврда амалга оширилган фискал солиқ сиёсати билан изоҳланса, 1995 йилдан бошлаб кузатилган пасайиш тенденцияси, бюджет даромадлари анча барқарорлашганидан сўнг ставкалар камайитирилиши ва акцизости товарлар рўйхатининг қисқартирилиши билан тушунтирилади. Мустақиллик йилларида солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш натижасида солиқ тушумларининг ўрнини қоплаш ва ички бозорни


¹⁷ Налоги и налогообложение. Уч. под редакцией проф. М.В.Романовского и проф. О.В.Врублевской. Санкт-Петербург: ПИТЕР, 2003. –С. 190.

химоялаш мақсадида айрим акцизоти товарларига нисбатан ставкаларнинг оширилиши туфайли 1999 йилдан бошлаб акциз солиғи улуши ортган.

Акциз солиғи билвосита солиқ ҳисобланиб, мамлакат ички бозорини химоялашда ва зеб-зийнат буюмлари, ҳаётий эҳтиёж бўлмаган товарларга нисбатан нархни тартибга солишда кенг қўлланилади. 2003 йилдан бошлаб акциз солиғини ҳисоблаш тартибида туб ўзгаришлар юз берди ва алкоғолли маҳсулотларга нисбатан республикамизда биринчи марта қатъий акциз солиғи ставкалари белгилаш амалиёти жорий этилди.

3-диаграмма

2005-2012 йилларда акциз солиғининг бюджет даромадларидаги улушининг ўзгариш динамикаси, % да¹⁸



3-диаграммада 2005-2012 йилларда бюджет даромадларидаги акциз солиғининг улуши тенденциясига кўрсатилган бўлиб, 2005 йилдаги 17,5 фоиздан 2007 йилда 12,6 фоизга тушган. 2009-2012 йилларда эса акциз солиғи улуши 16-17 фоиз атрофида намоён бўлган. Бунинг асосий сабаби бу даврда акциз солиғи қатъий ставкаларда ундириладиган товарлар

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг 2005-2012 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида ҳисобланди.

кўламининг кенгайгани ва акцизоти товарлар рўйхатидан айрим товарларнинг чиқариб ташланганлиги билан боғлиқ, жумладан 2005 йилдан атир совун, гуруч ёрмаси, нефть ва газ конденсати, гилам ва гилам маҳсулотларини акциз солиғига тортиш бекор қилинди. 2009 йилдан эса акциз солиғининг бюджети даромадларидаги улушининг нисбатан ошиши мазкур йилда жисмоний шахслар томонидан чегарадош давлатлар ҳудудидан импорт қилинадиган истеъмол товарларига нисбатан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб кириш меъёрларининг бекор қилинганлиги билан изоҳланади, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 0,3 фоизга камайиб барқарорлашди.

Акциз солиғини тўловчилар аксарият ҳолларда юридик шахслардир. Шу билан бирга, жисмоний шахслар ҳам айрим ҳолларда ушбу солиқни тўлайдилар. Жисмоний шахслар республика ҳудудига акциз солиғи солинадиган товарларни импорт қилганда акциз солиғи тўловчи ҳисобланади, бунда жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига олиб киритиладиган акциз солиғи солинмайдиган товарлар меъёрлари белгилаб қўйилган. Мазкур меъёрлардан ортиқча товар олиб кирган жисмоний шахслар ўрнатилган ставкада солиқ тўлашлари лозим.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ акциз солиғи тўловчиларни Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғи тўловчилар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келтирилган (импорт) товарлар бўйича акциз солиғи тўловчиларга ажратиш мумкин.


Алкоголли маҳсулотларга нисбатан акциз солиғини ҳисоблашда 2008 йилда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси жорий этилиши муносабати билан туб ўзгаришлар юз берди, хусусан ушбу товарларга нисбатан акциз солиғини ҳисоблашнинг бевосита усули жорий этилди¹⁹. Акциз солиғини ҳисоблашдаги бундай ўзгаришлар ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига ижобий таъсир

¹⁹ 2008 йилга қадар алкоголли ва тамаки маҳсулотларига нисбатан акциз солиғи ҳисоблашда товарлар қийматидан эмас, балки акциз солиғи киритилган қийматга

кўрсатди.

4-диаграмма

“Ўзвиносаноат” холдинг компаниясида 2005-2012 йилларда ишлаб чиқарилган ва сотилган ароқ ва ликер маҳсулотлари таҳлили (минг дал)²⁰



4-диаграмма маълумотларининг кўрсатишича, ароқ ва ликер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди. Умуман олганда, таҳлил этилаётган 2005-2012 йиллар кесимида ароқ ва ликер маҳсулотларини сотиш ҳажми Бундай ҳолатни вужудга келтирган асосий сабаблардан бири 2003 йилдан бошлаб акциз солиғининг қатъий ставкалари жорий этилганлиги ҳисобланади. Натижада ишлаб чиқарувчилар томонидан нархнинг пасайтирилиши туфайли маҳсулотга бўлган талаб ортиди ва улар маҳсулот ҳажмини ошириш натижасида сотилган маҳсулот учун олинган даромадга нисбатан акциз солиғи улушини камайтириш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек 2008 йилдан бошлаб импорт


нисбатан акциз ставкаси қўлланилар эди.

²⁰ Компания маълумотлари асосида ҳисоб-китоб.

қилинадиган акцизоти товарларига нисбатан солиқ ҳисоблашнинг бевосита усулининг қўлланиши билан бирга, спиртли ва тамаки маҳсулотларининг аксарият қисмига қатъий ставкалар белгиланди.

5-диаграмма

2008-2012 йилларда жами божхона тўловларида импорт қилинадиган товарлардан ундирилган акциз солиғи улушининг ўзгариш динамикаси²¹



Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, таҳлил этилаётган 2008-2012 йилларда божхона тўловлари таркибида акциз солиғининг улуши устун даражада ўсиш тенденциясига эга. Шу билан бирга, мазкур улуш ҳисобот даврида 2011 йилда 2008 йилга нисбатан 19,2 фоизли пунктга ошди ва юқори ўсиш тенденциясига эга бўлди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири жисмоний шахслар томонидан чегарадош давлатлар ҳудудидан импорт қилинадиган истеъмол товарларига нисбатан акциз солиғига тортилмайдиган нормаларнинг бекор қилинганлиги бўлди. 2012 йилда жами божхона тўловларида импорт қилинадиган товарлардан ундирилган акциз солиғи улуши 30,8 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 17,8 фоизли пунктга

²¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланди.

кўп бўлди.

Ҳозирда амал қилаётган солиқ қонунчилигига мувофиқ йирик корхоналар акциз солиғи бўйича ҳисоботларни ҳар ойда бир марта тақдим этган ҳолда, акциз солиғини ҳар ўн кунда (декада) бир марта бюджетга ўтказишлари лозим. Солиқ ундириш амалиётида акциз солиғи бўйича ҳисоботларни топшириш муддатлари билан солиқни тўлаш муддатларининг мос эмаслиги корхоналарнинг айланма маблағлари четланишини келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолатни “ЎзБат” А.Ж. қўшма корхонаси мисолида таҳлил қилишимиз мумкин.

4-жадвал

2007-2012 йилларда “ЎзБат” А.Ж. қўшма корхонасида акциз солиғи бўйича ҳисобланган ва тўланган солиқ суммаларининг таҳлили (млн. сўмда)²²

Йиллар	Тўланган	Ҳисобланган	Фарқи (+, –)
2007 йил	19985,9	19045,2	+ 940,7
2008 йил	30666,8	29590,3	+ 1076,5
2009 йил	33223,9	33399,6	- 175,7
2010 йил	46425,8	46359,2	+ 66,6
2011 йил	65511,2	66144,4	- 633,2
2012 йил	71333,5	69865,2	+1468,3
Жами	267147,1	264403,9	+2743,2

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, 2007-2012 йилларда корхонада жами 264403,9 млн. сўм акциз солиғи ҳисобланган бўлса, 267147,1 млн. сўм акциз солиғи тўланган ва ҳисоботга нисбатан бюджетга 2743,2 млн. сўм солиқ ортиқча ўтказилган. Таҳлил этилаётган даврда ҳисоботга нисбатан бюджетга ўтказилган акциз солиғидан энг юқори тафовут 2012 йилда кузатилган бўлиб,

²² Муаллиф томонидан корхонанинг ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

1468,3 млн. сўмни ташкил этган. 2009 ва 2011 йилларда акциз солиғидан ҳисобланган суммага нисбатан солиқнинг кам тўланиши бошқа солиқлар бўйича ортиқча тўловлар мавжуд бўлганлиги билан асосланади. Таҳлил этилаётган “ЎзБат” А.Ж. қўшма корхонасида ҳисоботга нисбатан акциз солиғининг бюджетга ортиқча ўтказилишининг асосий сабаби ҳисобот топшириш муддатининг солиқни тўлаш муддатларига мос келмасли билан боғлиқ, яъни ҳисобот топширилмасдан олдин, ҳар ўн кунда жорий (бўнак) тўловлари ундирилиши оқибатида ҳисоботга нисбатан ортиқча тўловлар юзага келади, бу эса корхонанинг айланма маблағларини қисқартиради ва иқтисодий фаолиятига салбий таъсир этади. Шундан келиб чиқиб, акциз солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш мақсадида, мазкур солиқ бўйича ҳисоботларни топшириш муддатлари билан уни тўлаш муддатларини мувофиқлаштириш зарур. Натижада акциз солиғи тўловчи йирик корхоналарнинг айланма маблағларининг четланиши қисқаради ва иқтисодий фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир этади.

3.3. Акциз солиғини давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги таъсирини кучайтириш йўллари

Маълумки, акциз солиғининг аҳамияти икки хил хусусиятга эга. Акциз солиғининг аҳамиятини бир томондан, бюджет манфаатлари, иккинчи томондан эса, хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчилар манфаатлари нуқтаи-назаридан таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Акциз солиғини аҳамиятини бюджет манфаатлари нуқтаи-назаридан икки йўналишда очиб бериш мумкин. Ана шундай йўналишларнинг биринчиси давлат бюджети даромадлари таркибидаги акциз солиғини ЯИМга нисбатан кўриб чиқишдир. Амалга оширилган таҳлиллар натижаси сўнгги 10 йил (2003-2012 йиллар) давомида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларини шакллантиришда акциз солиғини ЯИМга нисбатан ҳисоблаганда у пасайиш тенденциясига эга бўлишига қарамасдан,

солиқларнинг қолган бошқа турларига нисбатан ҳамон юқори салмоққа эга бўлиб қолаётганлигини кўрсатапти.

Акциз солиғи бюджет манфаатлари нуқтаи-назаридан қаралгандаги аҳамиятини кўрсатиб берувчи иккинчи йўналиш уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғидан иборат. Бу масалани ўрганиб чиқиб, бюджет даромадларини шакллантиришда эгри солиқларнинг аҳамиятини очиб беришга хизмат қилувчи бир неча хулосалар чиқариш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

- таҳлил қилинган 2003-2012 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадларининг ўртача 51,8 фоиз, яъни ярмидан кўпроғи эгри солиқлар ҳисобидан шаклланган бўлса ҳам, эгри солиқларнинг 48 фоизи акциз солиғига тўғри келади;

- мамлакатимиз бюджети даромадларини шакллантиришда акциз солиғининг роли таҳлил қилинган йиллар оралиғида ўзгарувчан характерга эга бўлиб, шу оралиқдаги уларнинг тебраниши 26,5 фоиздан 27,9 фоизгача ўзгариб, унинг тебраниш амплитудаси 1,4 фоизга тенг бўлган;

- акциз солиғининг роли ва шунга мос равишда уларнинг аҳамияти 2001-2006 йиллар оралиғида узлуксиз ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, унинг ўзгариш даражаси 10,8 фоизни ташкил этган;

- навбатдаги 3 йил (2006-2008 йиллар) оралиғида эса, бу кўрсаткич узлуксиз равишда пасайган ва унинг ўзгариш даражаси 74,5 фоизга тенг бўлган;

- сўнгги уч йил (2009-2011 йиллар) давомида эса вазият яна тескарисига, яъни маълум маънода ижобий томонга ўзгариб (бюджет манфаатлари нуқтаи-назаридан) республикаимиз бюджети даромадларини шакллантиришда акциз солиғининг роли ва аҳамияти ўсиб бориш тенденциясига эга бўлганлиги билан таърифланади ва ҳ.к.

Юқорида чиқарилган хулосалардан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда мамлакатимиз бюджети даромадларини 24,8 фоизи акциз солиғи ҳисобидан ташкил топмоқда. Кейинги йилларда эгри солиқларнинг салмоғи

бироз пасайган бўлишига қарамасдан, ҳамон улар таркибида акциз солиғи ҳал қилувчи ролга эга бўлиб қолмоқда. Бу ҳолат, албатта, бюджет даромадларини шакллантиришда акциз солиғининг аҳамиятининг бекиёс эканлигини яққол кўрсатади. Шу ўринда таққослаш учун, назаримизда, куйидаги маълумотларни келтириб ўтиш ҳам мақсадга мувофиқ. Россия Федерациясида бу солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи 30 фоиздан ортиқроқни ташкил этган бўлса, АҚШда унинг даражаси 32-33 фоизга тенг бўлган²³.

Акциз солиғининг аҳамияти фақат уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги салмоғи билангина белгиланиб қолмасдан, балки бу солиқнинг маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришдаги ўрни билан ҳам диққатга сазовор. Чунки асосий эгри солиқлар таркибидаги акциз солиғи умумдават солиғи ҳисобланса-да, ҳар йили давлат бюджетининг параметрлари қабул қилинаётган пайтда уларнинг бир қисми ажратма тариқасида маҳаллий бюджетларнинг ихтиёрида қолдирилади. Масалан, 2012 йил учун бунга тегишли бўлган вазиятни жадвалда кўриш мумкин (4-жадвалга қаралсин).

5-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2012 йилда эгри солиқлар ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи ва акцизлар Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети, вилоятларнинг маҳаллий бюджетлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг ихтиёрида қолдирилиб, бу маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини янада мустаҳкамлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Хусусан, гап бу ерда республикамиздаги 14 маъмурий ҳудудларнинг 7 тасида қўшилган қиймат солиғининг 100 фоизи, алкоголь маҳсулотларидан олинаётган акциз солиғининг 100 фоизи республикамизнинг тўрт вилоятида (Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида), 50 фоизи эса республикамизнинг 9 та маъмурий ҳудудида қолдириლაётганлиги тўғрисида кетаяпти ва ҳ.к.

²³ Финансы, налоги и кредит. Учебник. Под общ.ред. И.Д. Мацкуляка. Изд. 2-е, доп. и перераб. – М.: РАГС, 2007. – с. 367-368.

**2012 йилда умумдавлат солиқлари ҳисобланган эгри солиқларнинг
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар маҳаллий бюджетлар ва
Тошкент шаҳри бюджетига қолдирилаётган ажратмалар нормативи
тўғрисида маълумот²⁴, фоизда**

Минтақаларнинг номлари	Қўшилган қиймат солиғи	Акциз солиғи			
		Бензин	Дизел ёқилғиси	Авиа- керосин	Алкогол. маҳсулот.
Қорақалпоғистон Республикаси	100	-	-	-	50
Андижон вилояти	100	-	-	-	50
Бухоро вилояти	55	55	55	55	50
Жиззах вилояти	100	-	-	-	-
Қашқадарё вилояти	52	-	-	-	50
Навоий вилояти	66	-	-	-	50
Наманган вилояти	100	-	-	-	100
Самарқанд вилояти	100	-	-	-	100
Сурхондарё вилояти	100	-	-	-	100
Сирдарё вилояти	100	-	-	-	100
Тошкент вилояти	57	-	-	-	50
Фарғона вилояти	98	98	98	98	50
Хоразм вилояти	100	-	-	-	50
Тошкент шаҳри	5	-	-	-	50

Шубҳасиз, бу рақамлар эгри солиқларнинг маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини шакллантиришда ва уларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бошқа бир томондан эса, акциз солиғидан ана шу мақсадларда фойдаланилаётганлиги унинг алоҳида олинган минтақалар (жумладан, вилоятлар) иқтисодиётининг ва ижтимоий-

²⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сон Қарори маълумотлари асосида тузилган

сийсий ҳаётининг мувозанатли ҳамда мутаносибли ривожланишида муҳим рол ўйнаётганлигидан ҳам дарак беради.

Акциз солиғи фақат бюджет даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан эмас, балки хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчиларнинг манфаатлари нуқтаи-назаридан ҳам аҳамиятга эгадир. Бу эгри солиқларнинг хўжалик юритувчи субъектлар рентабеллигини тартибга солишдаги роли орқали намоён бўлади. Акциз солиғи хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчиларнинг рентабеллик даражасини тартибга солишда муҳим дастак бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ёки солиқ тўловчилар учун акциз солиғининг аҳамияти бу солиқларни ундириш жараёнида солиқ юкининг маълум бир қисми ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга ўтказилиши орқали ҳам намоён бўлади.

Таҳлиллар натижасидан кўриниб турибдики, акциз солиғи маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Келгусида акциз солиғини доимий равишда давлат бюджети даромадларига тушишини чораларини ўрганиш ватҳлил қилиб бориш ҳам муҳим масалалардан биридир.

IV БОБ. САМВДСБДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни қўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXII аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXII асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва

алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшадини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. СамВДСБ ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда

зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриқдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда сојлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган сојлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўриқларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га

кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объектларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. СамВДСБда ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикамиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ

(айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Йонгин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнгин муҳофазаси ва объектни кўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнгин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнгин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнгинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнгин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнгинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йонгинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнгиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнгин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

➤ саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

➤ Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

➤ ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

➤ корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

➤ ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал

қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;
- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказиш; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик

корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бионинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. СамВДСБда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг

маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учуриш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогоз

кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чикмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноклик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи

медицина ёрдамининг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакет-лари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериал воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва саннтар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригада-ларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёқ ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Битирув малакавий ишида миллий бозорни ҳимоялашда ва ривожлантиришда акциз солиғини таъсири ва аҳамиятини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди:

1. Мамлакатимизда солиқларни тартибга солишда айрим устувор соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг рағбатлантириш функциясидан ва айрим устувор бўлмаган йўналишларни чеклаш мақсадида чекловлардан фойдаланилади. Солиқларнинг рағбатлантириш ва чеклов функцияларини умумлаштирган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

2. Акциз солиғининг фискал функцияси мазкур солиқ ставкаларининг белгиланишидан тортиб, то уларнинг ундирилишигача бўлган босқичларда яққол номоён бўлади. Фикримизча, акциз солиғининг яна бир муҳим функцияси ички бозорни, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш мақсадида кенг қўлланиладиган иқтисодий тартибга солиш функциясидир.

3. Билвосита солиқларнинг бир тури бўлган акциз солиғи товарлар учун қўйиладиган, маълум бир чегараланган тур ва гуруҳдаги маҳсулотларнинг ёки кўрсатилаётган хизматларнинг нархига қўшилади. Ушбу солиқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилса, акцизлар товар нархининг таркибида маҳсулот истеъмочисига ўтказилади ва бу сотилган маҳсулот қийматидан бир қисми бюджетга тушушига ёки акцизнинг луғавий маъносидан келиб чиқиб айтилганда кесиб олинishiга имкон беради. Устама қўйилган қўшимча нарх маҳсулот ишлаб чиқариш унумдорлигини ёки бирон бир алоҳида хусусиятларни билдирмайди, балки акциз товарларини ишлаб чиқариш ва сотишнинг алоҳида шароитларидан келиб чиқиб белгилаш зарур.

4. Акциз солиғи билан товарга бўлган талаб ва таклифнинг турли ҳолатлардаги боғлиқликларининг ишлаб чиқариш ва истеъмолга таъсирлари таҳлил қилиниши натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- ҳозирги иқтисодиётимизда эришилган барқарор мувозанат шароитида солиқ тизимини ислоҳ қилиш, жумладан акциз солиғини қўллаш нафақат бюджетни тўлдириш нуқтаи назаридан, балки аҳоли фаровонлигига таъсири нуқтаи назаридан кўриб чиқишни талаб этади;

- талаб ва таклифнинг мувозанатидан вужудга келадиган бозор нархлари даражасини таҳлил қилиш асосида алоҳида гуруҳ товарларга акциз солиғи белгилашда унинг табиати ва иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиш зарур.

5. Амал қилаётган солиқ қонунчилигига асосан акцизостии товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда акциз бўйича бўнак (аванс) тўловларининг ҳисобланиши улар айланма маблағларининг четланишига олиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби акциз солиғини тўлаш ва ҳисоботни топшириш муддатлари ўртасида тавофутлар мавжудлигидадир.

6. Акциз солиғи бўйича тушумларнинг истиқбол даврга мўлжалланган илмий прогнози асосланиб, республикаимизда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши ва маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланиши ҳисобига акциз солиғи бўйича тушумлар қиёсий нархларда ўсиб бориш тенденциясига эга бўлади, деган хулосага келинди.

Битирув малакавий ишида олиб борилган тадқиқот натижасида республикаимизда акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш амалиётини такомиллаштириш ва миллий бозорни ҳимоялашда акциз солиғидан самарали фойдаланиш юзасидан қуйидаги **илмий таклиф ва амалий таклифлар** ишлаб чиқилди:

1. Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар бўйича акциз солиғига тортиладиган базани аниқлашда ушбу материаллар қийматининг киритилмаслиги солиққа тортишнинг аниқлик принципи асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2. Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобларни топшириш муддати билан мазкур солиқни тўлаш муддатларини бирхиллаштириш мақсадида йирик корхоналар томонидан ҳисоб-китобни топшириш муддатига мос равишда ҳар ойда кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай акциз солиғини тўлаш

муддатларининг белгиланиши акцизности товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг айланма маблағлари четланишини камайтиришга хизмат қилади.

3. Сотиб олинган ёки импорт қилинган товарлардан хом ашё сифатида фойдаланилганда, ушбу товарлар учун тўланган акциз солиғи солиқ даврида тўлиқ чегириб ташланиши мақсадга мувофиқ.

Зарар ҳисобланган ёки салбий оқибатларни юзага келтирувчи товарларга нисбатан акциз солиғининг қўлланилиши, маълум бир ижобий томонларга эгадир. Солиққа тортиш маълум бир маънода хавfli салоҳиятга эга бўлган товарлар истеъмолига тўсқинлик қилиш, масалан, алкоголь ичимликлар ва тамаки маҳсулотларида ёки истеъмоли атроф муҳитни ифлослантирувчи бензин ёки ёқилғининг бошқа турларида. Бундай билвосита нафлилик солиқларнинг қўшимча натижавийлигини юзага келтиради, бироқ кўпгина акцизлар, одатда (шундай бўлиши ҳам керак), солиқли тушумларга эга бўлиш мақсадида жорий қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: ЎзРДСҚ, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. \\Халқ сўзи. 2000 йил 14 январ.
4. Постановление Президента Республики Узбекистан от 24 декабря 2010г. №1111-1449 «О прогноза основных макроэкономических показателей и параметрах Госбюджета Республики Узбекистан на 2011 год»
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Биржа. 2011 йил 22 январ 4-5 бетлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий

- ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.
- 11.Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2011.
- 12.Бард В.С. Финансово-инвестиционный комплекс - М.: Финансы и статистика, 1998. - 418 с.
- 13.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. –Т.: Молия, 2010. - 328 б.
- 14.Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2011.
- 15.Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
- 16.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Iqtisod-moliya. 2008. -287б.
- 17.Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
- 18.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. -332 б.
- 19.Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. - Т.: ГФНТИ 1995. - 249 с.
- 20.Ендовинкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник - М.: КНОРУС, 2010.
- 21.Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С; академик М. Шарифхужаев таҳрири остида. Инвестиция лойихалар таҳлили: ўқув қўлланма –Т.: Шарқ, 2003. -256 б.
- 22.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2005.
- 23.Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003.

- 24.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарк, 2011.
- 25.Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Омега М, 2010
- 26.Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Iqtisod-moliya, 2006. -296 б.
- 27.Лерментов Ю.М. Налоговая отчетность. Практические рекомендации по представлению. – М.:ООО НИО «Налог Инфо»-ООО «Статус-Кво», 2006.- 100с.
- 28.Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. – Т.: Академнашр, 2011.
- 29.Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари. -Т.: Iqtisod- moliya, 2007. -245 б.
- 30.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 31.Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. – М.:Фонд «Правовая культура, 1995.-240с
- 32.Налоги и налогообложение: учебник пособие. В.Ф.Тарасова, Т.В.Савченко, Л.Н. Семыкина. -2-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2005,-288с
- 33.Налоги и налогообложение: Учебник. Д.Г. Черник и др. -2-е изд., доп. и прераб.-М.: ИНФРА –М, 2004.-328с
- 34.Оптимизация и минимизация налогообложения: Практ. руков. (Ред. Белоусова С.В.). – М.: Вершина, 2006.-128с.
- 35.Орлова Е.Р. Иностранные инвестиции в России: учебное пособие / Е.Р. Орлова, О.М. Зарянкина. - 2–е изд., испр. и доп. - М.: Издательство «Омега», 2009. - 203 с
- 36.Оспанов М.Г. Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений. С.-П.-Госуд.университет экономики и финансов, 1997

- 37.Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С. Хазанович, А.М. Ажлуни, А.В. Моисеев. - М.: КНОРУС, 2010. - 304 с.
- 38.Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 258 б.
- 39.Қосимова Г. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия. 2007. 148 б.
- 40.Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.
- 41.Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик, муносабатларини такомиллаштириш масалалари // и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: Академия, 2003. - 29 б.
- 42.Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
- 43.Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
- 44.Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
- 45.Шамсутдинов Ф.Ш., Шамсутдинова Ш.Ф. Чет мамлакатлар солиқ тизими. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011.
- 46.Интернет сайтлари:
- http: // www.minfin.ru
- http: // www.mf.uz
- http: // www.budget.ru
- http: // www.df.ru
- http: // www.nalog.ru
- http: // www.finansy.ru
- http: // www.finance.rambler.ru